



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 17 июнь, № 121 (8744)

Душанба Сайтимизга Ушш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган эзгулик, саховат, инсонпарварлик ва ҳамжиҳатлик каби олийжаноб қадриятларни ўзида мужассам этган, жамиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи Қурбон хайити — Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар етакчилари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий табриклар келмоқда.

Қутловларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига ҳурмат-эҳтиром сўзлари, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилган ҳамда дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга қатъий интилиш билдирилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўлаган:

Икки Муқаддас Масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**;

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Саидр Жапаров**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳоқими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;

Саудия Арабистони давлат вазири, Вазирлар Маҳкамаси аъзоси **Турки бин Муҳаммад бин Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Қувайт Давлати Амири **Шайх Мишһал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Қувайт Давлати Валиаҳди **Сабоҳ Халид ал-Ҳамад ал-Муборак ас-Сабоҳ**;

Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омурлиев**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**;

Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом **Оллоҳшукр Пошшозова**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ

### ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: “Ўзбекистон — бошқаруving республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деб белгилаб қўйилиши мамлакатимизда инсон қадри улуғланган, фаровон жамият қуришда дадил қадам бўлди.

Қолаверса, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаган вазибалар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мантқиқий давоми ҳисобланади. Мисол учун, стратегиянинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номили тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий давлат негизини ташкил этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.



### Таҳлил



Кейинги йиллардаги кенг қўламли ислохотларга аҳамият берадиган бўлса, уларнинг аксарияти ижтимоий соҳага йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимли йўлга қўйилмоқда. Яъни мазкур масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Давлат бюджети маблағларининг асосий қисми айнан шу каби мақсадларга йўналтирилаётгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир. Таъ-

кидлаш жоизки, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун жорий этилган “темир дафттар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва маҳаллабай ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётий қўришничи намоян қилмоқда.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси ҳамда жамиятнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айлантириш давлатимизнинг устувор вазибаларидан бири ҳисобланади.

## КЕЛИШУВЛАР ИККИ МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда 172 мингдан ортиқ корейслар истиқомат қилади. Бу Марказий Осиёда яшаётган корейслар умумий сонининг ярмидан кўпидир. Қолаверса, корейс халқи ўзбек жамиятида аҳил-иноқ яшаб, ўзининг меҳнатсеварлиги билан турли соҳалар равнақига муносиб улуш қўшмоқда. Ўз навбатида, минглаб ўзбекистонлик ёшлар Жанубий Кореяда таълим олаётган бўлса, яна минглаб ватандошларимиз у ерда меҳнат қилиб давлат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

### Акс садо

Яқин тарихда болганган муносабатлар риштасига назар солсак, Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги ўтган 32 йиллик вақт давомида автомобилсозлик, энергетика, машиини техника, тўқимачилик, молия, телекоммуникациялар ва бошқа қатор йўналишларда иқтисодий ҳам-

корлик лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириб келинаётди.

Ушбу дўстона алоқалар етакчилари ўртасида мунтазамлик касб этаётган доимий мулоқотлар ҳамда бундан беш йил олдин имзоланган Алоҳида стратегик шериклик муносабатлари тўғрисидаги битимнинг ўрни юқори, албатта.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг етакчи савдо ва инвестиция ҳамкорларидан бири. Биргина, ўтган йилнинг ўзида товар айирбошлаш ҳақида 2,5 млрд. долларни ташкил этди, корейс инвестициялари ҳамми эса 7,5 млрд. доллардан ошди.

Муносабатлар маданий гуманитар йўналишларда ҳам жадаллашмоқда. Жумладан, мамлакатимизга ташриф буюрувчи Жанубий корейлик туристлар оқими ортиб бормоқда, уларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент ва Сеул ўртасида бир ҳафтада 10 та авиаларвоз амалга ошириляпти. Шунингдек, юртимизда Жанубий Корея етакчи олийгоҳларининг 4 та филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, Жанубий Кореяда 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар таълим олмақда.

### Давлат хизмати:

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юқори малакали бошқарув кадрларини самарали тайёрлаш тизимини замонавий ёндашув асосида ривожлантиришни талаб этмоқда.

Бунда, энг аввало, давлат хизмати учун муносиб кадрларни танлаш ва тайинлаш, адолатли, очик танлов механизмлари ва меритократия тамойилларига янада эътибор қаратиш аҳамиятлидир.

### Нуқтаи назар

Қайд этиш жоизки, ҳозирда давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали — “vacancy.argos.uz” орқали давлат органлари учун кадрлар мустақил танлов орқали саралаб олиниб, бу тизим — давлат хизматчиларининг сифат таркибини яхшилаш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш ҳамда давлат аппарати самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш” — долзарб масалалардан.

### Салоҳиятли кадрлар — энг муҳим ресурс

Бугунги кунда ўз вазибаларини теран англайдиган, таҳлилий ва стратегик фикр юритиладиган, лидерлик қобилиятларига эга, янгиликларга очик ва натижадорликни таъминлай оладиган малакали кадрлар энг муҳим ресурс ҳисобланади.

Чунки давлат хизматчиси — давлатнинг юзи. Шу туфайли фуқаролар ундан профессионаллик, ватанпарварлик, адолат, ахлоқийлик ва қонунларга риоя қилишини кутишди.

## ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Меҳр-мурувват, эзгулик ва саховат рамзи — муборак Қурбон хайити юртимизда кенг нишонланмоқда. Ҳар бир маҳалла, шаҳар ва қишлоқда ҳужм сураётган файзу тароват, инсонлар юз-кўзидаги мамнунлик ва қувонч ушбу айём шукридан дидир.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Қурбон хайити табригини юртдошларимиз катта хурсандчилик билан кутиб олди. Зеро, унда таъкидланганидек, халқимиз ҳаётида эзгулик, меҳр-мурувват, саховат ва олийжаноблик рамзи сифатида мустаҳкам қарор топган Қурбон хайити бугунги кунда биз учун барча соҳада инсон қадри етакчи ўринга чиқайтган янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар мазмунига нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани билан янада аҳамиятли бўлиб бормоқда.

### Шуқуҳ

16 июнь куни Тошкент шаҳрида Қурбон хайити намози ўқишлиши муносабати билан аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида жамоат транспорти фаолияти тунги соат 03:00 дан бошлаб йўлга қўйилди. Автобус йўналишлари ва метрополитен соат 10:00 га қадар йўловчиларга бепул хизмат кўрсатди.

Эрта тонгда юртдошларимиз покланиб, кўтаринки кайфиятда, гўзал суратда Қурбон хайити намозини адо этиш учун пойтахтимиздаги масжидларга таш-

риф буюрди. Имом-домлалар амру маъруф, панду насихатлар қилди. Хайит намози адо этилган, Яратгандан бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик, она Ватанимиз оёбод, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлиши йўлида хайрли дуолар ўқилди.

Ибодатни адо этган юртдошларимиз қувонч ва шукроналик билан бир-бирларини табриклаб, эзгу тилаклар билдирди. Табаррук отахону мунис онахонлар, қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар, бева-бечоралар, беморлар ҳолидан хабар олindi, уларга байрам кайфияти улашилди.

Қорақалпоғистон Республикасида Қурбон хайити катта шоду хуррамлик

билан кутиб олindi. Нукус шаҳридаги Имом эшон Муҳаммад жоме масжидида хайит намози ўқилди. Бундан ташқари, шаҳар ва туманлардаги йирик зиёратгоҳлар ва 50 дан ортиқ жоме масжидларда ҳам хайит намози адо этилди. Уларда 20 мингдан ортиқ кишилар қатнашди.

— Хўжайли туманидаги Пирим Ишан бобо жоме масжиди хайит намозига келганлар билан янада файзли бўлди, — дейди Таваккал ота Абдуҳолиқов. — Бу улуғ айёмнинг руҳи ва шуқуҳи ҳар бир юртдошимизда яққол сезилди. Шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганга чекисиз шукроналар айтдик.

Байрам тадбирларида дин вакиллари, ҳокимият ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, Президентимиз раҳбарлигида муқаддас динимизни улуғлаш, унинг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш, халқимизнинг диний билимларини ошириш, масжид ва мадрасалар, диний таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапириб ўтди. Кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кекса-

лар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олindi, хайит ҳадялари тарқатилди.

Кейинги йилларда Андижон вилоятида миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантириш, виждон ва этиқот эркинлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мавхуд дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари тартибга келтирилиб, зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Қурбон хайити намози вилоятдаги 179 та жоме масжиди ҳамда Сайид Мухйиддин маҳдум ўрта махсус ислом билим юртида ўқилди.

Нуронийлар муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар бир-бирларини йўқлашди. Қўмак ва ёрдамга муҳтожлардан хабар олиш саховатпеша инсонларнинг эзгу амалига айланди.

— Жамоамиз билан биргаликда Андижон туманидаги Меҳрибонлик уйига бордик, — дейди сарторош Машхурбек Каримов. — Болажонларга бепул хизмат кўрсатдик. Кўнгилоҳар дастурлар уюштирдик. Хайит айёми чинакам меҳроқибат, шодлик байрамига айланди.



### КЕЛИШУВЛАР ИККИ МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ



лойиҳалар қисқа вақтда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётгани билан эътиборга молик. Фикрими тасдиғи сифатида айтиш мумкинки,

Корея Республикаси Президентини Юн Сок Ённинг мамлакатимизга давлат ташрифи ва унинг доирасида эришилган натижалар ҳамкорлик салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, йирик юқори технологик лойиҳаларни аниқлаш ва илгари суриш учун янги имкониятлар эшигини очибгина қилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, икки мамлакат делегациялари иштирокида бўлиб ўтган музокаралар якунида давлат раҳбарлари алоҳида стратегик шериклики янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолади. Шу билан бирга, музокаралар чоғида келгуси уч йил учун Ўзбекистон — Жанубий Корея алоҳида стратегик шериклигининг янги юқори технологияли кун тартибининг шакллантириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун икки давлат ҳуқуқматлари ҳамкорлигида Ўзбекистонда минтақавий юқори технологик ҳаб яратиш бўйича стратегик дастур тайёрлашни белгиланди.

Жорий йил баҳорида Жиззах вилоятида "KIA" автомобилларини йиғиш линияси ишга туширилган эди. Ўтган 2-3 ойлик вақт давомида ушбу русул автомобиль харидорлар кўнглидан жой олиб улгурди. Яна бир истиқболли лойиҳа, бу — "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган "Global Optical Communication Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасидир. Хозирда корхонада импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича жадал ишлар амалга ошириляптир. Ишонимизки, ушбу ташриф ва унинг доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, қолаверса, истиқболга йўналтирилган мақсадларнинг белгилаб олинганлиги яқин келажакда икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожига янги саҳифа очилишига хизмат қилади.

Музаффа АБДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

### Очиқ эшиклар куни

## ЁШЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ёшлар ойлиги" муносабати билан "Очиқ эшиклар куни" доирасида бир қатор уч-рашувлар ўтказилди. Уларда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети, Тошкент менежмент ва иқтисодий институтини талабалари иштирок этиб, қуйи палата фаолияти билан яқиндан танишди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оши-

ришга оид давлат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб парламентда ташкил

қилинаётган бундай мулоқотлар мунтазамлик касб этиб бораётгани эътиборга молик. Зеро, "Халқ уйи"да талабаларнинг депутатлардан ўзларини қизиқтирган саволларини бемалол сўраб жавоб олишлари учун му-



лоқот майдони яратилган бўлиб, ёш авлод вакиллари билан бевосита суҳбат қилиш, қизиқиш ва

интилишларини ўрганиш ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиш жараёнида талабаларга қуйи палата, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда кўмиталар иш фаолияти, қонунларни қабул қилиш жараёни ҳақида сўзлаб берилди. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни дастлабки тарзда кўриш, биринчи ва иккинчи ўқишга тайёрлаш, ялпи мажлис муҳокамагарига киритиш билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан атрафлича маълумот берилди.

Учрашувлардан сўнгра ёшларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

### Азимбек ҒАНИЕВ, ЎзЛиДеп "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Халқ вакиллари билан мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари томонидан илгари суриляётган ташаббусларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгаллиги, долзарблиги, улар доирасида рўйбга чиқарилаётган ислохотлар ҳақида зарур маълумотга эга бўлдик. Айтиш мумкинки, бу каби тадбирлар ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаол иштирок этишини таъминлаш, парламент ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — парламент сайловлари ўтказилишини эътиборга оладиган бўлсак, "Очиқ эшиклар куни" орзуларимиз сари бир қадам ташлашга имкон беради.

### Озода НУРАЛИЕВА, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети талабаси:

— "Очиқ эшиклар куни" доирасида ўтказилган мулоқотлардан қонун ижодкорлиги, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмита иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида кўплаб маълумотлар олдик. Агар соҳада яқинда қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлдик. Бу биз, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассислари учун фойдали бўлди. Шу билан бирга, қуйи палатага экскурсия жараёнида Олий Мажлис тарихи акс этган музей ҳамда қонунлар қабул қилинади-

ган катта мажлислар зали бизда катта қизиқиш уйғотди.

### Жасурбек РАЖАБОВ, Тошкент менежмент ва иқтисодий институтини талабаси:

— Депутатлар билан мулоқот чоғида қабул қилинаётган қонунлар мазмунини, муҳокамалар жараёни, тортишувлар, баҳс-мунозаралар ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Аҳоли манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни кафолатлашга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳиятидан хабардорлигимиз ошди. Айтиш чоғда палатанинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Ҳар жиҳатдан замонавий, илмий, ҳуқуқий ва бадиий адабиётларга бой бўлган парламент кутубхонаси менга жуда манзур бўлди.

«Халқ сўзи».

### ҚИСКА САТРАЛДАРДА

#### Гуманитар лойиҳа — иқтидорлилар учун

Жанубий Кореядаги "Gimcheon High School" мактаби ўзбекистонлик кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ушбу мамлакатда стипендия олиб ўқиш имкониятини тақдим этадиган гуманитар лойиҳани амалга оширмоқда.



Самарқанд халқаро технология университети вилоятда биринчилардан бўлиб мазкур ижтимоий лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиқди. Жумладан, ушбу университетда кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли мактаб ўқувчилари учун тест синовлари ўтказилди. Тест асосида танлаб олинган уч нафар ўқувчи "Gimcheon High School" мактабига тавсия этилиб, тахсил олиши учун барча шароит яратиб берилди.

#### Меҳнаткашнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Шу йилнинг ўтган беш ойда касабая уюшмалари томонидан ходимлар ҳуқуқидасига 3 млрд. 683 млн. сўмдан ортқ зарар пуллари ундириб берилди.

Бу ҳақда АОҚАда ўтказилган брифингда Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова маълум қилди.

Қайд этилганидек, ўтган йилда ҳамда жорий беш ой давомида касабая уюшмалари томонидан 4 минг 17 нафар меҳнаткашнинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 29 млрд. 713 млн. сўмдан ортқ зарар пуллари ундириб берилган.

#### Ҳарбийларга уйлар берилди

Ховос туманида чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун 3 қаватли 27 хонадонга мўлжалланган хизмат уйлари қуриб битказилди.



Тантанали топириш маросимида вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Акмалжон Маҳмудалиев, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда ҳарбий-маъмурий секторларга белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида барпо этилган янги уйлар ҳарбийларнинг руҳини кўтариб, кучига куч қўшиши, жонаҳон Ватанимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлашида муҳим омил бўлиши таъкидланди.

#### Археологлар Чинортепада нималарни топишди?

Маданий мерос агентлигига қарашли Яҳё Гуломов номидиги Самарқанд археология институти ва ХХРнинг Шимоли-Гарбий университети ўртасида илмий ҳамкорликка оид шартнома имзоланган.



Келишувга мувофиқ, икки мамлакат археологлари Сурхондарё вилоятининг Узун туманида жойлашган Чинортепа ёдгорлигида қазув ишларини олиб бормоқда.

Олимлар экспедиция жараёнида 4 минг йил аввалги қабрлар ва 2 минг йиллик қадимий шаҳар харобаларини топишди. Айтиш чоғда Ўзбекистон — Хитой қўшма экспедицияси ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

«Халқ сўзи».

## ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Муҳаммад Наршайнинг ёзиб қолдиришича, Бухоро машҳур аллома Абу Ҳафз Кабир туфайли IX аср бошларида "Қуббатул Исломи" — "Исломи динининг гумбази" номига мушарраф бўлган. Бу ғўшада диний айёмларни нишонлаш, ҳайит намозини ўқиш ҳар бир мўмин-муслимон учун шароф.

— Бухорода минглаб муслимонлар ҳайит намозини ўқиб, эл-юртимиз билан бирга Қурбон ҳайитига тинч-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиди, — дейди Баҳодуддин Нақшбанд мажмуасидаги жоме масжид имом-хатиби Фафуржон хожи Раззоқ.

— Мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга ошириляётган ислохотлар туфайли 700 йиллик тарихга эга Баҳодуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси ўзининг асл кўринишига қайтмоқда. Яқингача қаровсиз ҳолатда турган Тоқи миёна дарвозаси, қадимий йўлак қайта тикланди. Хайрия мақсадида қурилиб, вақф қилинган Дониёлбий мадрасаси ўз ўрнида қад ростлади. Меъморий мажмуада муқаддас ислом дини буюрган ибодатларни бажариш учун барча шароит етарли.

Вилоятдаги 105 та жоме масжидида ҳайит намози ўқилди. Қурбон ҳайити муносабати билан меҳнат фахрийлари, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари томонидан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жиззах вилоятининг Қўшчинор жоме масжидида ўқилган Қурбон ҳайити намозида вилоят бош имом-хатиби Президентимизнинг Қурбон ҳайити муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриғи хусусида тўхталиб ўтиди. Ҳайит намозини 42 мингдан зиёд жижзахлик намозхонлар вилоятдаги 169 та жоме масжидида бир вақтда адо этди.

Саҳар соат 3:00 дан соат 10:00 гача барча жамоат транспорти фуқароларга бепул хизмат кўрсатди. Йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, намозхонлар саломатлигини назорат қилиш учун вилоят Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари ва бошқа мутахассислар беминнат хизмат кўрсатди. Бу хайрли ишлар самарасида Қурбон ҳайити намозини жижзахликлар жамоат бўлиб, оёсийишалиқда ўқиш бахтига муяссар бўлди.



ридаги Алишер Навоий, умуман, вилоятдаги 70 га яқин жоме масжидларида саодатли кунлар ибодати адо этилиб, эл-юртга тинчлик, оёсийишалиқ сўралди.

Наманган вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларда нишонланаётган Қурбон ҳайити байрамида юртимиздаги тотувлик, хотиржамлик, ҳар бир соҳада амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишларининг шуқуҳи уфуриб турирди. Яқинликка, савоб ишларга қорлайдиган муқаддас айёмда вилоятдаги 188 та жоме масжидида ҳайит намози ўқилди.

— Йиди Қурбон — чинакам хайр-саховат айёми. Байрамни наманганликлар эзгу амаллар билан кутиб олишди, — дейди Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Чуст тумани бўлими раҳбари Жўраҳон Мираҳмедов. — Байрам арафасида ҳоқимият, корхона ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари билан ногиронлиги бор, ёлғиз қариялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар истиқомат қилаётган 174 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат тўхфалар билан кириб борилди. Бундан ташқари, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан худудлардаги 380 нафар фуқарога дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун бир мар-талик моддий ёрдам маблағлари ажратилди. Айём жойларда ўтказилган бошқа кўнгличар тадбирлар билан янада мазмунли кечмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳам Қурбон ҳайити тинч, тартибли, кўтаринки кайфиятда ўтди. Эрта тонгданок ҳоқимлик вакиллари билан бир гуруҳ нуронийлар Сирдарё туманидаги Мурувват уйда даволанаётган эътиборга муҳтож хотин-қизлар ҳолидан хабар олишди.

— Қурбон ҳайити — хайр-эхсон, саховат, меҳр-мурувват байрами, — дейди хотин-қизлар фаоли Мавлуда Собирова. — Арафа ва ҳайит кунлари беморлар йўқлангани, хонадонларда амалга оширилган қурбонликлар, иж-

тимой ҳимоя ва меҳрга муҳтож қишлоқларга улаштилган хайр-эхсонлар қанча-қанча кўнглиларни хушнуд қилди.

Ҳайит намози вилоятнинг турли худудларидаги 75 та жоме масжидида адо этилди. Намозхонларнинг ушбу муборак ибодатни бажаришлари учун барча шароит яратилди.

Қурбон ҳайити Сурхондарё вилоятида шоду хурамлик ва шукроналик кайфиятида бошланди. Вилоятдаги 130 та жоме масжидида ҳайит намози ўқилди. Унда минглаб воҳалиқлар саодатли кун ибодатини адо этди.

Хусусан, Термиз шаҳридаги Ҳаким Термизий жоме масжиди эрта тонгдан юртдошларимиз билан гавжум бўлди. Ҳайит намозиди Сурхондарё вилояти ҳокими ва бошқа мутахассислар иштирок этиб, йиғилганлари Қурбон ҳайити билан табриқланди.

Айни пайтда сурхондарёлик 768 нафар юртдошимиз Саудия Арабистониди муборак ҳаж зиёратини амалга оширмоқда. Дин маъсуллари томонидан айём арафасида хомийларни жалб этган ҳолда жойларда ногиронлиги борлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларидан хабар олди. Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларида хайрия тадбирлари уюштирилди.

Фаргона вилоятида эзгулик тадбирлари доирасида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Уларга байрам совғалари улашилди. Ўз навбатида, вилоятдаги 4 та Саховат уйига 17 миллион сўмлик кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронтининг 60 нафар фахрийси, ўзгалар парваршига муҳтож нуронийга кўндалик зарурий маҳсулотлар етказиб берилди.

— 193 та масжидда Қурбон ҳайити намози ўқилиши учун қўлайлик яратиш мақсадида вилоят транспорт бошқармаси билан ҳамкорликда жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилди, — дейди Дин ишлари бўйича кўмитанинг Фаргона вилояти худудий бошқармаси бош мутахассиси Зокиржон Ҳакимов. — Бу 400 миғ нафар ҳамюртимизга ҳайит намозини уйлари-га яқин ва қўлай масжидда ўқиш имконини берди.

Ташриф буюрувчилар хавфсизлигини таъминлаш, эҳтиёж туғилганда кўмаклашиш

«Халқ сўзи».

# НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ

## ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Айни жараёнда мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга ҳамда миллий менталитетимизга ёт таъсирларга қарши туришга қодир янги авлоднинг тарбиялашга жиддий эътибор қаратилаётган. Бу борада кейинги йилларда ёшлар сиёсати оид 100 га яқин қонун ва қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсати уларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, ўсиб-ўлғайиши, ўз билим ва салоҳиятини намойиш этиши учун зарур шароитларни яратишда дастуриямал бўлмоқда.

Таъкидлаш жоиз, дунё миқёсида халқаро экспертлар томонидан бу борадаги давлат сиёсати самардорлиги, асосан, учта мезон — ёшлар саломатлиги, таълими, ижтимоий таъминланганлик даражаси асосида белгиланади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодий барпо этиш каби муҳим вазифаларни ҳаётга таъбиқ қилиш мақсадида юртимизда 2024 йил — “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб белгилангани бежиз эмас.

Янги Ўзбекистон — ёшлар мамлакатини, чунки бугун юртимизда аҳолининг 60 фоиздан ортигини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Бу мактабгача таълим қамровини ошириш, таълим тизимидаги муаммолар-

ни ечиш, ўқув сифатини юксалтириш, олий таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда соҳани сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқишни таъқозо қилади. Ўз навбатида, йигит-қизларга касб-хунар ўргатиш тизимини миллий ва жаҳон андозалари даражасида ислоҳ қилиш ҳам муҳим. Боиси ҳар йили мамлакатимиз аҳолиси 900 мингдан зиёдга кўпаймоқда ва бу таълим ҳамда бандлик тизимида янги ёшларнинг таъқозо этилиши.

Бизнес ва тadbиркорлик ривожланса, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлиги таъминланади, уларнинг ноқонуний миграция жараёнларида иштироки камаяди. Шу боис 2020 йилдан бошлаб ёшлар тadbиркорлигини микрокредитлашнинг янги тизими шакллантирилди. Уларга ўз бизнесини бошлаши учун таъминотсиз микрокредитлар бериш амалиёти жорий этилди. Ёшларни касб-хунар ва тadbиркорликка ўқитишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби йўлга қўйилиб, ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи учун нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи давлат томонидан компенсация қилиниши таъминланган. Натижада сўнгги йилларда 30 ёшгача бўлган тadbиркорлар сони 5 баробар кўпайди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам ёшлар ва уларнинг тadbиркорлиги оид эзгу мақсадларимизга уйғундир. Бу муҳим ҳужжатда келажакимиз ворислари замонвий касб-



ларни эгаллаши учун ҳар бир виллоятда биттадан “креатив парк”лар фаолиятини ташкил этиш, уларга йилга камида 40 минг нафар ёшни жалб қилиш, ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшни хорижий нуфузли олий ўқув юртига ўқишга юбориш, мактаб битирувчиларининг камида 2 та хорижий тил ва 1 та касбга эга бўлишни таъминлаш, китобхон ёшлар сонини 5 миллион нафарга етказиш каби вазифалар ўрин олган.

Эзгу ташаббуслар доирасида кейинги йилларда янги музейлар, театрлар, болалар мусика ва санъат мактаблари, олийгоҳлар, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди. Ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди. Бугунги кунда мамлакатимизда “Интернет адабиёти”ни ривожлантириш ишлари-

га ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳам диққатга сазовор. Чунинчи, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиз эди, айни дамда 70 фоиздан зиёдга ошириб, 2 миллионга яқин болаларнинг боғча билан қамраб олингани халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Олий таълим муассасаларининг 2,5 баробарга, яъни уларнинг сони 210 тадан ҳам ошиб кетиши, ўз навбатида, олий таълимга қамров даражаси бир неча баробарга орттиришга эришилди. Шу билан бирга, 40 дан зиёд олийгоҳларга академик ва молиявий мустақиллик берилиши улардаги таълим шароити ва сифати сезиларли даражада юксалишига ҳисса қўшганини қайд этиб ўтиш ҳам адолатдан бўлади.

Аҳолининг эътижманд қатламларини уй-жой билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда юртимизда юз минглаб янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жойга бўлган эътижмандлиги қондириш бўйича биринчи марта аёллар ва

ёшларга, эътижманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизимини йўлга қўйилди. Тизим қонуний, адолатли ва шаффоф ишлаши учун онлайн платформалар ишга тушди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётган. Бандликни таъминлашда илғор замонвий усуллардан фойдаланган ҳолда, йигит-қизлар “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида ИТ касбларига, “Ёшлар 1+1” ва “Тadbиркор аёл” лойиҳалари доирасида тadbиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитиб келинмоқда.

Мамлакатимиз янги тараққиёт дарида кадам қўйган айни дамда ёш авлод онгиди Ватанга муҳаббат, унинг келажакига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтириш ҳамда уларда янгича ғоялар, кенг дунёқараш ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, толерантлик каби муносибатларни юксак савияда турбиялашга ҳисса қўшиш ҳар бир зиёлининг зиммасидаги вазифадир.

Асосий мақсадимиз Ватанимизни эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари устувор ижтимоий давлатга айлантиришга қаратилган. Зеро, бу йилдаги изчил саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётий ислохотларга ҳамохандир.

**Замат МУХИТОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси,  
профессор.

### Спорт

## ТОШКЕНТ ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 14 — 20 октябр кунлари пойтахтимизда дзюдо бўйича харбийлар ўртасида 42-жаҳон чемпионати ўтказилади.



Бўлажак дунё биринчилигида 5 китъанинг энг кучли харбий дзюдочилари рақобатлашади. Ўзбекистон дзюдо федерациясида Халқаро харбийлар спорт кенгаши ва Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан мазкур мусобақанинг ташкилий ишларига бағишланган йиғилиш ўтказилиб, тайёргарлик бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Маълумот учун, ўтган йили Доминикан Республикасида ташкил этилган харбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дзюдочиларимиз 2 тадан олтин ва кумуш медалларига эгалик қилишган эди.

«Халқ сўзи».

### Давлат хизмати:

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

### Кадрларни бошқаришда инновацион ёндашувлар

Инсон ресурсларини бошқаришда инновацион ёндашувлар ва технологиялардан фойдаланиш — давр талаби. Кадрларни бошқариш бўйича замонвий тизимлар, хусусан, сунъий интеллект функцияларидан фойдаланишга асосланган замонвий тизимлар орқали иш жараёнларини самарали таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, шунингдек, кадрларга бўлган эътижларни тўғри прогноزلантириш мумкин бўлади.



Қайд этиш жоиз, 2023 йил 1 ноябрдан “hgm.args.uz” ахборот тизими орқали кадрлар иши тўлиқ рақамлаштирилди. Ҳозирда мазкур тизимга давлатнинг 3 миңга яқин идораларини улаш орқали давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари бўйича ягона марказлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилди. Ушбу тизим вақт, қорғоз ва иш юкламаси сарфини камайтириб, кадрлар билан ишлаш жараёнини тезкор бошқаришга хизмат қилмоқда. Ҳозирда тизимга 30 миңга яқин давлат идоралари уланган.

Ташкилотда ходимларни қўллаб-қувватловчи, ижобий иш муҳитини яратиш — инсон ресурсларини бошқаришнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Иш жойида психологик қулайлик, касбий ва шахсий ривожланиш имконияти — ҳар бир давлат хизматчиси учун бирламчи мотивация.

Шунингдек, ташкилотда “Team building”ни самарали йўлга қўйиш — одамларнинг ўзаро муносибатларини яхшилаш, жамоада ижобий психологик иқлимни ташкил этиш, иш берувчи ҳамда жамоадорларга нисбатан ходимнинг меҳрини ошириш, ишга ҳам мамну-

ният, ҳам масъулият билан ёндашиш, ижобий шахсий хусусиятини пайдо қилиш ва ривожлантиришга сабаб бўлади.

Бу орқали эса ходимларнинг интилувчанлиги, мотивацияси ошиб, ташкилот фаолиятининг нати-

батга олган ҳолда ходимларни бошқаришнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, билим ва малакаларини узлуксиз ошириб бориши мақсадга мувофиқ.

Бу орқали эса замонвий “HR” ташкилотга энг салоҳиятли кадрларни жалб қилиш, кадрлар ресурсини тўғри жой-жойга қўйиш, ходимларни янада самарали ишлашга руҳлантириш ҳамда уларни зарур кўникмалар бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда муваффақиятли фаолият олиб бориши мумкин.

Албатта, инсон ресурсларини бошқаришга масъул кадрнинг энг муҳим фазилатларидан яна бири, бу — унинг “психолог бўлиш” қобилиятидир. Ходимлар билан мулоқотда тўғри “тушуна олиш” ва тўғри “тушунира олиш” маҳоратининг мавжудлиги — ташкилот ва ходим ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажаришига имкон бера олади.

Айниқса, иш берувчи ва ходим ўртасида турли мунозарали ҳолатлар юзага келганда, муросага келтириш учун уларнинг тинглай билиши ва муаммоли вазият ечимини бўйича жамоадорларини келиштира олиши жуда муҳимдир. Яъни инсон ресурсларини бошқарувчи ходимларнинг зиддиятли вазиятлардаги эмоционал кизгинликларини жиловлай оладиган, ўз хис-туйғуларини қаттиқ назорат қилишга қодир, жамоага гамхўр масъул лавозимдаги мутахассис бўлмоғи зарур.

Демак, давлат органларида инсон ресурсларини самарали бошқариш — давлат хизматида сифат ва натижадорликнинг муҳим омили. Бунда ҳар соҳада илғор, ташаббускор ва энг мақбул “HR” технологияларини қўлловчи кадрларнинг аҳамияти бекиёс.

**Дилфуза МАҲКАМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи.

## ТОМОРҚАДАН ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ОМИЛКОРЛАР

Маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда энг қулай ва ҳаммабоб имкониятлардан бири томорқадан фойдаланиш экани Сурхондарё вилояти қишлоқлари мисолида ҳам ўз исботини топмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида sanoat усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон ҳўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори чин маънода аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш орқали камбағалликни қисқартиришга хизмат қилмоқда.



Чунинчи, Сурхондарё вилоятида 724 та маҳалладан 575 таси худуд имкониятидан келиб чиқиб, бир маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштирилди. Шу асосда ҳар бир хонадоннинг аниқланган драйверини ҳаракатга келтириш, молиявий қўллаб-қувватлашдан тортиб маҳсулотлар реализациясигача бўлган жараёнларда давлат томонидан амалий кўмак кўрсатилмоқда. Бу ташаббуслар оилаларни тadbиркорликка ундаб, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масалалар ечимида айни муддао бўлмоқда.

Жорий йилда Термиз туманида гулчилик, Музработда сердаромад кўкатлар етиштириш, Қизилқум ва Жарқўрғон туманларида саримсоқ-пиез, Қумқўрғонда сабзавот кўчатлари ва хонадонларда биоғумус тайёрлаш, Шерободда паррандачилик, Сариосиё туманида эса баллиқчилик йўлга қўйилди. Эътиборлиси, Ангор, Жарқўрғон ва Тер-

бахорги (эртаги), 45 миң гектарда такоррий, 44 миң гектарда тўқсонбости экинлари парвариш қилинади. Жами 131 гектарга алмашлар экиш назарда тутилган.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан шу йилнинг якунига қадар воҳалик фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, томорқа ер эгаларига қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш ва томорқа инфратузилмасини ривожлантириш учун 17 миллиард 198 миллион сўм йўналтирилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Экспортлоб ва сердаромад экинлар экиш ва аҳолининг мазкур соҳада билим ва кўникмаларини ошириш учун Денов туманидаги Кўкбўлоқ маҳалласида, Қизилқумнинг Зарбдор, Музработ туманининг Нури ҳаёт ҳамда Сарисий туманининг Анорзор маҳаллаларида намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилмоқда.

Вилоятда маҳаллаларни ихтисослаштириш жараёнлари жадал олиб борилаётган бўлса, тумандаги 53 та маҳалланинг 46 тасининг драйвери аниқланди ва 21 миң 540 та хонадоннинг

миз туманлари экспортлоб экинлар етиштиришга ихтисослаштирилди. Айни вақтда воҳада томорқа ер эгаларининг сони 483 миңгача ташкил қилмоқда. Уларнинг ер майдони 49 миң гектар. Шундан 19 миңга хонадоннинг 2 миң гектар ер майдонига бир марта экин экилмоқда. 121 миңгача 12 миң гектар еридан икки марта ҳосил олинади. 343 миңга томорқанинг 35 миң гектар ерига уч марта экин экиш йўлга қўйилган. Жумладан, 42 миң гектарда

2 миң 50 гектар шахсий томорқаси ихтисослаштирилди. Бунга бир мисол, тумандаги Кушон маҳалласидан Ўқтам Ҳўжақулов оиласи томорқасида sanoat

усулида маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. У помидор, қизилпиез ва сердаромад экин — каврак етиштиришни йўлга қўйган.

— Юртбошимиз томорқа ер эгаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани биз, сурхондарёликларни бой қилмоқда, десак, муболага бўлмайди, — дейди Ўқтам Ҳўжақулов. — Уйимиз томорқаси 20 сотих, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, шундан 4 сотихида иссиқхона барпо этидик. 12 сотих ерга экспортлоб қизилпиез эқдик. Ундан 10 тонна ҳосил олишни режалаштиривмиз. Ҳозирданоқ унинг килосини 4 миңдан сўраб келишяпти. 40 миллион сўм соф даромад кутяпмиз. Иссиқхонамизда миңгача помидор экилган. Шу кунгача 30 миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Яна 10 — 15 миллион сўмлик маҳсулот бор. Бундан ташқари, яна 3 сотих ерда каврак парваришляпмиз. Ҳар бир тупидан 400 граммдан шира оломқчимиз. Ширанинг бир килоси 1 миллион 700 миң сўмдан кўпроқ. Бу эса 70 — 80 миллион сўм даромад, дегани. Муҳими, оиламиз бандлиги таъминланган.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида 2024 йилда жами 2 миллион 300 миң тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган бўлса, шундан 461 миң 924 тонна экспортга, 1 миллион 570 миң тонна ички истеъмолга ва 277 миң 154 тонна қайта ишлашга йўналтирилади. Ана шу етиштирилаётган маҳсулотларнинг бари воҳа маҳаллаларида экилаётган экинлардир.

Бу эса аҳолининг ердан фойдаланиш маданияти ортаётганидан, уларнинг даромади кўпаяётганидан далолат.

**Фарҳод ЭСОНОВ**  
«Халқ сўзи».

## Ҳиндистон авиакомпанияси Тошкентга парвозлар сонини оширади



Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “IndiGo” авиакомпанияси 2023 йил 22 сентябрдан Ўзбекистонга мунтазам парвозларни бошлаган эди.

Шу йил 17 августдан Ҳиндистоннинг “IndiGo” авиакомпанияси Деҳли — Тошкент — Деҳли йўналиши бўйича мунтазам йўловчи қатновлари сонини ҳафтасига тўрт мартадан етти мартагача оширмоқда.

Бу ҳақда “Uzbekistan Airports” АЖ хабар тарқатди. Шундай қилиб, парвозлар ҳар кун “Airbus — А320” русумидаги самолётларда амалга оширилади.

### Қулайлик


Ушбу компания доимий рейслар ва самолётлар сони бўйича мамлакатдаги энг йирик авиаташувчи ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

# БУЮК ҲУҚМДОРНИНГ ЗАФАРНОМАСИ

Яқинда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг янги наشري дунё юзини кўрди. Бу маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеликлардан биридир. Чунки буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, кенгашлари, жанглари, фазилатлари ҳамда қаҳрамонликлари ҳақидаги ушбу китоб юртдошларимизда Ватанимиз тарихига ҳурмат, буюк аждодимиздан фахр-ифтихор туйғуларини янада юксалтиради.

Асарни мутолаа қилган киши борки, Амир Темур XIV-XV асрлар жаҳон тарихини батамом ўзгартириб, янги бир ўзанга солиб юборганини, тенгсиз салтанат тузганини, «Европа халоскори» сифатида майдонга чиққанини, мулки Туронни, унинг пойтахти Самарқандни дунёга машҳур қилганини, туркийлар гурурини оламшумул даражага кўтариб юборганини теран англайди.



унинг маъносини англай, хос кишилар эса айб қўймай, деди... ва ўзининг бир байтлик шеърини илова қилди:

*«Тар истеъдод бўлмас,  
ҳеч ким айтолмас,  
Хосга мақбулу  
омма тушунгандек сўзни».*

Амир Сохибқирон ҳазрат: «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман», деди. Бу ибратли сўзлар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

## «Андин эл-улус фойда топқайлар»

Низомиддин Шомий Амир Темур ўғитларига риоа қилди. У «зафарлар ёр бўлган» Сохибқирон тарихини «Зафарнома» деб номлади. Ва бу ном Амир Темур тарихига ёпишди-қолди. Ундан кейин Шарафуддин Али Яздий ҳам ўз асарини «Зафарнома» деб номлади.

Сўнги даврлар, айниқса, бугунги кун тарихнавислиги нуқтаи назарида Шомийнинг «Зафарнома»си муқаммал эмас, чунки унда 1404 йилнинг март ойигача содир бўлган воқеликлар қаламга олинган. Ундан кейинги, Сохибқирон ҳаётининг сўнги кунларигача ва вафотидан кейинги тарихий жараёнлар асарда акс этмаган.

Бу кемтикин Шарафуддин Али Яздий тўлдириди. У ўз «Зафарнома»сини 1424-1425 йилларда тугатган.

Яздийнинг «Зафарнома»си Амир Темур ва унинг даври ҳақида ёзилган энг муқаммал, ҳаққоний, ҳолисона тарихий асардир. Чунки муқаммал асар яратишга ҳукмдор Иброҳим Султон бош-қош бўлди. Хар бир воқеликни қайта текширтди, аниқлик киритди, тахлил қилдириди ва адолатли ечимни топди. Яздий ана шу манбалар асосида ўз «Зафарнома»сини яратди.

Асар Амир Темурнинг туғилишидан то ўлимигача, ундан сўнги воқеликлар, Халил Султоннинг тахтни эгаллаши тафсилотларигача қамраб олган. Асар хотимаси Амир Темурдан 36 нафар ўғлон, қиз ва набира қолгани, уларнинг исмлари ва ёшлари кўрсатилган ахборот билан якун топган.

Асарда юзлаб тарихий шахсларнинг таърифи, хизматлари, вазифалари ҳақида аниқ ахборотлар берилган. «Зафарнома»нинг марказида доим Сохибқирон образи туради.

Асар форс тилида, йилнома сифатида, баён услубида ёзилган. «...мавлони Шарафуддин Яздий...

Кези келганда айтиш жоиз, Муҳаммад Али — бобомиз Амир Темур ва унинг даври тарихининг билимдонларидан бири сифатида элимизда танилган шахс. Адибимиз мустақилликкача бўлган қалити бир даврларда ҳам Амир Темур тўғрисида дoston ва романлар ёзиб, жўмардик қилган, ватанпарвар курашчи сифатида майдонга чиққан арбобларимиздан биридир. «Зафарнома» укувчиларни Амир Темур дунёсига олиб қиради. Оламшумул тарихимизнинг энг шонли даврларида юз берган воқеликлар ҳақидаги билимларини янада бойитиб, гурур-ифтихор туйғуларини янада кучайтиради.

форсий тили билан Темурбекнинг воқийотини айтиб турур, тожиклар андин баҳра топиб, турк элига тегмай турур, эрса кераким, бу китоб туркий билан бўлмай, то андин эл-улус фойда топқайлар». Бу сўзлар Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорийга тегишли бўлиб, у 1519 йили Шарафуддин Али Яздийдан қарийб юз йил кейин «Зафарнома»ни Кўчунчиҳон фармонида биноан ўзбек тилига таржима қилган эди.

## Хос ва мос китоб

«Зафарнома» кўплаб тилларда, айниқса, ўзбек ва турк тилларида қайта-қайта нашр қилинди. 1997 йилда «Зафарнома» она тилимизда Тошкентда чоп этилди. Халқимиз уни мустақиллигимиз абадийлигининг бир нишонаси сифатида кўтаринки руҳда хурсандчилик билан қабул қилди. У қўлма-қўл бўлиб кетди, бир зумда библиографик ноёб асарга айлиниб қолди.

Мана шундан бери чорак асрдан ортиқ вақт ўтибди. Янги Ўзбекистон, янги авлод, зиёлиларимиз «Зафарнома»ни анчадан бери интиқлик билан кутаётган эди. Ниҳоят, «Янги аср авлоди» нашриёти бу ноҳид ёдгорликни қайта чоп қилди. Бу ниҳоятда қувонарлиқдир.

Янги китоб ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. «Нашриётнинг режасига кўра нашр қилинди ёки унга кўра нашр этилади», деган гаплар аллақачон унут бўлиб кетган. Миллат учун фойдали, хотирамиз учун муқаддас ҳисобланган китоблар кимнингдир сазой-ҳаракатлари, югур-югурлари, жонбозликлари эвазига дунё юзини кўради.

«Зафарнома» асарининг янги наشري улғу ёзувчимиз Муҳаммад Алининг жонбозлиги эвазига дунё юзини кўрди. Адиб 80 ёшдан ошганига қарамасдан тиниб-тинчимайдиган ташкилотчи, олим, ижодкор инсон. Муҳаммад Али «Зафарнома»ни нашр қилиш жараёнида юртимизнинг зукко олимлари ноширларини ўз атрофига йлғиди. Натижада «Зафарнома» Амир Темур даҳосига, хотирасига хос ва мос китоб бўлди.

Китобнинг ўзига хос дизайни, архитектура, техник ижроси алоҳида мақтовга лойиқ. Ҳатто ҳарфларнинг катта-кичиклиги, шрифтларнинг кўзни толиқтирмайдиган кўриниши, қоғознинг ранги — барча-барчаси ўқувчининг дидактика мослаб танланган. Китобда мингдан ортиқ изоҳлар, ундан ҳам бўлмаган библиографик кўрсаткичлар илова қилинган. Булар китобхонга қулайлик туғдиради.

Темур ШИРИНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.



## 22 МИНГ НАФАР БОЛА ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛАДИ

Жорий ёзги мавсумда Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари ҳамда Шохрисабз шаҳридаги сўлим гўшаларда жойлашган 16 та стационар болалар оромгоҳида 7 дан 14 ёшгача бўлган 22 минг нафар болани дам олдириб ва соғломлаштириш режалаштирилган.

## Таътил

Вилоятда мавсумнинг 1-навбати 5 июндан бошланиб, шу вақтга қадар 4,5 мингга яқин болажонлар ёзги оромгоҳларга жўнатилди.

Китоб туманининг Қайнар қишлоғида жойлашган «Ёш алангачи» оромгоҳи ҳам мавсумнинг биринчи босқичида 396 нафар болани ўз бағрига қорлади.

— Болажонларнинг мавсумни мароқли ўтказиши учун оромгоҳда барча шарт-шароит ҳозирланган, — дейди «Ёш алангачи» болалар оромгоҳи директори Бекмурод Кўчаров. — Шу билан бир қаторда, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда турли кўнгулчилар, интеллектуал ёки маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб борилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болажонлар кўплаб танikli ижодкорлар билан учрашиб, уларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, моҳир хунармандлар иштирокида маҳорат дарслари, «Она табиатни асранг» мавзюида расмлар танлови ўтказилди. Ушбу тадбирларда фаол қатнашган болажонларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ёш истеъдод эгалари томонидан намойиш этилган мусиқий дастур тадбирга янада ўзгача шукуҳ бағишлади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ  
(«Халқ сўзи»).



## Мутолаа

### «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман»

Хўш, буюк ҳукмдорнинг зафарли ҳаёти ва фаолияти солномаси қандай яратилган?

Маълумки, Амир Темур 1370 йили ҳокимиятини қўлга олди. Мовароуннаҳрнинг бир-бири билан душманлашиб тўзиб кетаётган барча беклари бошини қовуштириб, уларни она Ватан истиқлоликке улғу мақсад йўлига сафарбар қилди. Буюк ҳукмдор жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улкан марказлашган салтанат тузди ва унинг пойтахти қилиб афсонавий Турон давлати ҳукмдори Алп Эр Тўнға асос солган Афросиёбни — Самарқандни танлади.

Амир Темур салтанатида ўзига хос давлатчилик тизими бор эди. Вазирлар, ҳокимлар, девон ишлари — барча тузилмалар ўз вазифасига эга бўлган. Девон ишларининг асосий бўғини тарихчилар, котиблар, муншийлар, бахшилар бўлиб, улар «сарой кундаликлари»га ҳарбий юришлар, жанг тафсилотлари, Амир Темур, шахзодалар, амирлар, нуфузли беклар ҳаёти тўғрисидаги ахборотларни доимий ёзиб боришган. Давлатлар, уларнинг ҳукмдорлари, элчилари тўғрисида ҳам ахборотлар йилган. Тарих ёзиш учун салтанат бўйлаб энг иқтидорли, донишманд шахслар топиб келинган. Бу ишларни Амир Темур ўта муҳим ҳисоблаб, ўз назаридан узоқлаштирмаган. Кўп жолларда, ўзи тўғридан-тўғри тарихий жараёнларни ёритиш учун топшириқ ва кўрсатмалар берган.

1398 йилдаги Ҳиндистон юриши арафасида Амир Темур Ғиёсуддин Али ибн Жамол Яздийга бўлажак ҳарбий юришлар жараёнлари тарихини яратиш топширигини берди ва уни қўшин билан бирга олиб кетди. Ғиёсуддин Али Амир Темурнинг барча катта-кичик жанглари

ни, шижоатини, галабаларини ўз кўзи билан кўрди, кундаликлари тўлдириб борди. Натижада «Ҳиндистон юриши кундалиги» асарини ёзиб, Амир Темурга тақдим қилди. Лекин асар Сохибқиронга ёқмади. Ҳассос тарихчимиз Ашраф Аҳмедов фикрига кўра, асарда жанг тафсилотлари, воқеликлар ҳаққоний баён қилинган бўлса-да, услубий жиҳатдан у «ҳаддан ташқари хушомадгўйлик руҳида ёзилган» эди.

Амир Темурнинг ўз шахси ҳақидаги баёнларга бўлган талаби кейинги тарихий асарларда ўз аксини топди. Унинг ҳаққоний тарих яратиш йўлидаги мезонлари биз учун бугун ҳам ибратли.

Амир Темур хижрий 804 (1401-1402) йили ҳарбий юришларда муттасил қатнашиб юрган Низомиддин Шомийни хузурига қорлаб, топшириқ берди ва тарихий асарларга ўзининг аниқ-тиниқ талабларини қўйди. Низомиддин Шомий ғувоҳлик беришча, «...давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо ҳали улар муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан, бу банд (Низомиддин) уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, ...тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, тақаллуфу безак бериш, лору офур зийнатидан ўзимни тийгаймен: (асар) услуби сўз оройишию ибораторлик санъатидан соф ва холи бўлғай». «Яна Сохибқирон ҳазрат менга: «Шу услубда ёзилган ташбеҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади, агар сўз қонда-қонунларидан насибдор бўлганлардан биронтаси маъносини фаҳмлаб қолса-қолар. Аммо қолган ўнтаси, балки ўзгача унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди» деди». Шунда Низомиддин Шомий суҳбат чоғида донишмандларнинг қуйидаги сўзларини келтирди: «Яши ва равон сўз улдириким, авом халқ

# АСФАЛЬТ ҚОПЛАМАЛАРГА СИРТҚИ ИШЛОВ БЕРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ «УМРИ» УЗАЙТИРИЛМОҚДА



Кўп гувоҳи бўлганмиз, йўлга бугун асфальт босилади, бироқ муддат ўтгач эса унда нотекислик, кўчиш каби ҳолатлар юзага келади. Тўғри, бунга автомобиллар ҳаракати, ер қатламнинг юмшоқлиги, ёгингарчилик ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, 5 — 10 йиллик кафолати билан босилган асфальт санокли кунлардаёқ «ишдан чиқади». Қарабсизки, йўл яна таъмирталаб ҳолатга келиб қолади. Натижада ишчилар йўлнинг нобоп қисминигина асфальтлаб, гўёки уни ямагандай бўлишади. Бироқ биринчи ёмғирдан сўнг бу «ямоқ» яна кўчиб кетаверади.

## Муаммога ечим



Андижон вилоятида бу каби ҳолатларни сифатли бартараф этиш мақсадида «суғориш» технологиясидан фойдаланилмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу қандай технология?

— Бу, аслида, асфальт қопламасига сиртқи ишлов бериш дейилади, — изоҳ беради вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Мирзохиджон Нур-

матов. — Бу услуб аввалдан мавжуд бўлган, бироқ кейинчалик айрим сабабларга кўра қўлланилмаган. Бугунги кунга келиб унинг афзалликларини, қулайликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий эта бошладик. Аввало, ҳудуддаги мавжуд асфальт ишлаб чиқарувчи корхоналарда махсус бирикмалардан таркиб топган қоришма тайёрлаб олинади. У асфальт хомашёсидан 5-6 баробар арзонга тушади. Йўл асфальт хомашёси билан таъмирланганда турли сабабларга кўра шу жойдаги «ямоқ» ўз-ўзидан кўчиб кетади. Бу қоришма эса йўлнинг қатлам оралиғига сингиб, елим каби қотиб қолади.

Шу боис ёгингарчилик пайтида сув йўлнинг юза қисмига салбий таъсир кўрсата олмайди. Натижада асфальтнинг сиртқи қисмида юзага келиши мумкин бўлган емирилишнинг олди олинади. Бу услуб орқали йўлнинг фойдаланиш муддати маълум вақтга ортади.

Оддий қилиб айтидиган бўлсак, инсон ҳаракат натижасида чанқагани каби асфальт йўл ҳам маълум муддатда «чанқайди». Шунда унинг таркибида ўзгаришлар юзага келади. Яъни қатламдаги намлик йўқолиши туфайли ёрилади, оғир босимга бўлган чидамлик даражаси пасаяди, сифати сўнади. Бу муаммони бартараф этиш учун эса уни «суғориш» керак бўлади. Қарабсизки, шу тариқа асфальт йўл яна бир неча йил давомида сифатли хизмат кўрсата олади.

Амалиётда юкори натижани кўрсатган ушбу услуб орқали бу йил Андижон вилоятида 30 километрдан иборат йўл таъмирланиши кўзда тутилган. Бунинг учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланиши режалаштирилган. Ҳозирда 100 нафар ишчи ва 20 дан зиёд техника воситаларининг самарали меҳнати туфайли бир кунда 3 километрдан ошириб йўл таъмирлашга эришилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ  
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистонлик ўқувчилар шу йил 8 — 15 июнь кунлари Лондонда ўтказилган халқаро олимпиадада совриндор бўлди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳриратта келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни

Топширилди — 23.50

1 2 3 4 5 6